

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 40 (1219)

2019 йил 17 октябрь

Газета 1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank_axborotnomasi

Сайтимизга ўтиш учун QR кодни телефонингиз орқали сканер қилинг



ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ



Тадбиркорнинг иддаоси ўз исботини топмади

→ 4

БАНК ФАОЛИЯТИДАН



Рискларни самарали бошқариш – давр талаби

→ 6

ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ



ИНВЕСТИЦИЯ ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

→ 8

ДУНЁГА НИГОҲ



25 млн. кишилиқ халқаро кўргазма

→ 10

МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК



Бизнес ғоя бору, пул йўқ...

→ 11

ХАЛҚ БАНКИ ФИЛИАЛИ ЯНГИ БИНОДА



Акциядорлик тижорат Халқ банки Тошкент вилоти Чиноз тумани филиали биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда туман ҳокимлиги, банк масъуллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Унда мамлакатимизда тадбиркорликни

ривожлантириш, бу борада аҳолини молиявий қўллаб-қувватлашда тижорат банклари фаолияти сифат ва қўлам жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани таъкидланди.

(Давоми 7-саҳифада)

“ТРАСТБАНК”НИНГ КРЕДИТ РЕЙТИНГИ “АНВОР-РЕЙТИНГ” ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНДИ

2019 йилнинг сентябрь ойида “Anbor-Reyting” рейтинг агентлиги “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки кредит рейтингини 2019 йил 2-чораги якунлари рейтинг мониторинги натижаларига кўра, “Барқарор” прогнози билан миллий шкала бўйича “uzA+” даражада тасдиқлади.

«UzA+» рейтингини банкнинг кредитга лаёқатлилиқ даражаси жуда юқори даражада эканлигини англатади, бу ўз навбатида, банк фаолиятининг кредит таваккалчилигининг жуда паст даражасини акс эттиради. «UzA+» рейтингига эга бўлган банк - кредиторлар, омонатчилар ва инвесторлар олдидаги ўзининг молиявий мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш учун жуда юқори салоҳият билан ёндашади.

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкига берилган мазкур рейтинг баҳоси банкнинг тижорат тармоғи жадал ривожланиб, мавқеи ўсиб бораётганини, эътиборлилиқ даражаси ва имижини юқори эканлигини, хатарларни бошқариш даражаси, ликвидлилиқ позицияси пухта эканлигини ва капиталлашув ҳолати мақбул эканлигини, шунингдек, молиявий кўрсаткичларни барқарор равишда ўсиб бораётганлигини акс эттиради.

finance.uz

Жорий йилнинг 11 октябрида “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон Республикаси суверен кредит рейтингига ўзининг навбатдаги шарҳини эълон қилди. Унга кўра, мамлакатимиз суверен кредит рейтингини “BB-” (“Барқарор”) даража-сида сақланиб қолган.

СУВЕРЕН КРЕДИТ РЕЙТИНГИ БАРҚАРОР



Мамлакатимиз кредит рейтингини баҳоланишида унинг молиявий ҳолатининг мустаҳкамлиги, мўътадил даражадаги давлат қарзи, “BB-” рейтингига эга давлатларга нисбатан юқори иқтисодий ўсишга эгалиги инобатга олинган бўлса-да, жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) нисбатан камлиги, институционал салоҳиятни ривожлантириш зарурияти ва нисбатан юқори инфляция даражаси рейтинг кўрсаткичи оширилишини “чекловчи” омиллар сифатида санаб ўтилмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

ВАЛЮТАНИ НАҚДЛАШТИРИШ УЧУН КОМИССИЯ ҲАҚИ

Регуляторнинг сўзларига кўра, банк кассалари орқали халқаро тўлов карталаридаги (ХТК) хорижий валютани нақдлаштириш учун комиссия 0,5 – 1%ни ташкил этади, айрим банкларда умуман бепул. Бу МДҲ бўйича ўртачадан пастдир (2%).



Марказий банк комиссия миқдорини тартибга солмайди – уни банклар мустақил равишда белгилайди. Тарифга, масалан, ХТК орқали барча транзакциялар амалга ошириладиган халқаро тўлов тизимларининг (Visa, Master Card, China Union Pay ва ҳ.к.) комиссия тўлови таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, банкларнинг нақд чет эл валютаси билан боғлиқ операцион харажатлари ҳам мавжуд бўлиб, улар нақд хорижий валютани олиб кириш, олиб чиқиш, қайта санаш, транспорт ва бошқа харажатларни ўз ичига олади.

Эслатиб ўтамиз, 1 октябрдан бошлаб мамлакатдаги банкоматлар фақат сўм беради. ХТКдан валютани фақат банк кассаси орқали ечиб олиш мумкин. Жисмоний шахс-резидентлар (Ўзбекистон фуқаролари) учун қандайдир чекловлар йўқ. Фақат шахсни тасдиқловчи ҳужжат: паспорт ёки ҳарбий гувоҳнома зарур бўлади.

Мамлакатдаги барча айирбошлаш шохобчалари тегишли терминаллар билан жиҳозланган. Республика бўйлаб 633 та автоматлаштирилган валюта айир бошлаш шохобчалари "24/7" режимида фаолият кўрсатмоқда.

БАНКЛАР АКЦИЯЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ СОДДАЛАШТИРИЛДИ

Сенатнинг ялпи мажлисида "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири маъқулланди.



Қонунда банк фаолиятини амалга оширишга рухсат бериш, банк фаолиятининг ўзига хос тавakkалчиликларини назорат қилиш, шу жумладан тавakkалчиликларни бошқаришга доир талаблар белгиланган. Шунингдек, банк устав капиталининг энг кам миқдори белгиланди – 100 млрд. сўм.

Банкноташиклетиш, банкларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун дастлабки рухсат бериш ва банк фаолиятига лицензиялар бериш, инвесторлар томонидан банк акцияларини Марказий банк розилигисиз харид қилиш тартиби такомиллаштирилмоқда. Банклараро операциялар, мижозлар билан муносабатлар, кредитлар, депозитлар бўйича фойз ставкалари, кредитлар қайтарилишини таъминлаш тартибга солинмоқда. Молиявий муассасалар томонидан тегишли хизматлар кўрсатиш, ахборот тақдим этиш, мурожаатларни кўриб чиқиш ва монополияга қарши қоидаларга банклар риоя этишини назорат қилиш орқали банк хизматларидан фой-

даланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш амалга оширилади.

Қонун билан пруденциал назорат механизми жорий этилмоқда. У тегишли нормативлар, банкларнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаси, ўзаро боғлиқ шахслар билан битимлар тузишни тартибга солиш, банкларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш учун вақтинчалик бошқарувни тайинлаш, банк тавakkалчиликлари пайдо бўлганда уларни эрта аниқлаш ва банк фаолиятининг барқарорлигини таъминлашни ўз ичига олади.

Банкларда ҳисоб, ҳисобдорлик ва аудиторлик текшируви тўғрисидаги нормалар киритилмоқда, у бухгалтерия ҳисоби юритишни, молиявий муассасалар ҳисобдорлигини, банк операцияларига доир ҳужжатларни сақлашни, банкларнинг аудиторлик текширувини ва аудиторлик текширувини амалга оширувчи тегишли ташкилотга қўйилган талабларни ўз ичига олади.

ЖАРАЁН

Сенаторлар 11 октябрь жума куни 23-ялпи мажлис чоғида "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририни кўриб чиқдилар.

СЕНАТ ВАЛЮТАНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ЯНГИ ҚОНУННИ МАЪҚУЛЛАДИ

Ҳужжат валюта операцияларини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Асосий принциплар – валютани тартибга солиш ҳамда валютани назорат қилиш тизимининг ягоналиги, мазкур соҳада давлат сиёсатини амалга оширишда иқтисодий чора-тадбирларнинг устуворлиги, резидентлар ва норезидентларнинг валюта операцияларига давлат органларининг қонунга ҳилоф равишда аралашувига йўл қўйилмаслиги.

Марказий банк валютани тартибга солувчи давлат органи этиб белгиланди.

Парламент аъзоларининг таъкидлашича, қонуннинг қабул қилиниши резидентлар ва норезидентларнинг ўз валюта маблағларини эркин тасарруф этиш бўйича ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишга, амалиётда учрайдиган валюта операцияларини ўтказишнинг имкон қадар барча жиҳатларини таърифлашга, шунингдек, мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда капитал ҳаракатланиши билан боғлиқ операцияларни тартибга солиш имконини берадиган қонунчилик базасини ташкил этишга хизмат қилади.

Сенат аъзолари 23-ялпи мажлис кун тартиби доирасида "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририни маъқуллади.

МАРКАЗИЙ БАНК УЧИНЧИ ШАХСЛАРГА КАФОЛАТЛАР БЕРА ОЛМАЙДИ

Қонунда Марказий банкнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари ва вазифалари, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Мамлакатнинг бош молиявий муассасаси Сенатга ҳисобдордир. Сенат Марказий банкнинг йиллик ҳисоботини аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан бирга кўриб чиқади.

Ҳужжат билан Марказий банк учинчи шахсларга молиявий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланишга, бундан ўз тасарруфидаги ташкилотлар мустасно, тижорат фаолиятини амалга оширишга, учинчи шахсларнинг, шу жумладан, Ҳукуматнинг мажбуриятлари бўйича кафолатлар беришга,

банкларнинг капиталларида ва бошқа юридик шахсларнинг устав фондларида иштирок этишга, бундан валюта биржасининг, шунингдек, Марказий банкнинг фаолиятини таъминловчи ўз тасарруфидаги ташкилотларнинг капиталларида иштирок этиши мустасно, ҳақли эмаслиги белгиланди.

Қонуннинг қабул қилиниши пул-кредит сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда янги ёндашувлар ҳамда принципларни татбиқ этишга ва банк тизимини ривожлантиришнинг барқарор суръатларини қўллаб-қувватлашга, умуман банк тизими ва Марказий банкнинг барқарор фаолият олиб бориши самарали назорат қилинишини таъминлайди.

ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА ОПЕРАТОРЛАРИГА ФУНКЦИЯЛАР БЕЛГИЛАНДИ

"Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги Қонун сенаторлар томонидан муҳокама этилган яна бир масала бўлди.

Қонун тўлов хизматларини етказиб берувчи ва тўлов хизматларидан фойдаланувчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тўловларни амалга ошириш ҳамда тўлов хизматлари кўрсатиш чоғида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиди. Қонун крипто-активларга доир операцияларга нисбатан татбиқ этилмади.

Қонунга асосий тушунчалар киритилиб, тўлов тизими ва унинг иштирокчилари, операторларга таъриф берилмоқда, уларнинг функциялари, шунингдек тўлов тизимлари турлари ва уларнинг муҳимлигини аниқлаш мезонлари, уларни сақлаб туриш қоидалари очиқ берилмоқда. Тавakkалчиликлари бошқариш тизими, муҳим тўлов тизимининг ишлашини ўзини ўзи баҳолашдан ўтказишга,



тўлов тизимидаги тўловларнинг яқунланганлигига доир нормалар белгиланмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши тўловлар ва тўлов тизимлари соҳасида ягона ахборот ва ҳуқуқий макон яратилиши, Марказий банк томонидан тўлов хизматлари бозори самарали тартибга солиниши, тегишли тўлов тизимлари фаолиятини, улар операторлари фаолиятини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилишига кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ ИЧКИ ВАЛЮТА БОЗОРИ
ТЎҒРИСИДАГИ ҚИСҚАЧА ШАРҲИ

9 ОЙДА 24,3 МЛРД. АҚШ ДОЛЛАРИЛИК ВАЛЮТА ОЛДИ-СОТДИ ОПЕРАЦИЯЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

(2019 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида)


2019 йилнинг 9 оyi давомида ички валюта бозорида юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилган валюта олди-сотди операцияларининг жами айланма ҳажми 24,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткича (18,3 млрд. долл.) нисбатан 1,3 баробарга ошди.

Ички валюта бозорида амалга оширилган операциялар куйдагиларни ўз ичига олади:

Валюта биржаси орқали амалга оширилган операциялар


Валюта биржасининг банклараро савдо сессияларида амалга оширилган валюта олди-сотди операцияларнинг ҳажми 15,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, бундан жами талаб 7,7 млрд. долл.га, таклиф эса 4,8 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди.

1-расм
Валюта биржасида амалга оширилган валюта олди-
сотди операциялари ҳажми
(2018-2019 йил январь-сентябрь ойлари)
млн. АҚШ долларларида



Юқорида келтирилган талаб ва таклиф ўртасидаги 2,9 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги тафовут Марказий банкнинг соф интервенциялари ҳисобига қопланиб, йил бошидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан сотиб олинган монетар олтин ҳажми (3,0 млрд. АҚШ долл.) доирасида бўлди. Бу ўз навбатида, пул-кредит сиёсатидан келиб чиқиб, иқтисодиётга қўшимча киритилган ликвидликни стерилизация қилиш имконини яратди.


2-расм
Марказий банк томонидан сотиб олинган монетар
олтин ва интервенция ҳажми
(2019 йил январь-сентябрь ойлари)
млн. АҚШ долларларида



Биржадан ташқари валюта бозорида амалга оширилган операциялар:

– Биржадан ташқари валюта бозорида тижорат банклари томонидан амалга оширилган валюта олди-сотди операцияларининг жами айланма ҳажми 5,2 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди. Бунда тижорат банклари миқдорларида валюта маблағлари сотиб олиб, ўз навбатида уларга 2,2 млрд. доллар миқдорида валюта маблағлари сотилди. Ушбу операциялар натижасида юзага келган 0,8 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги валюта маблағлари тижорат банкларининг ўз ихтиёрида қолиб, ички валюта бозорида қўшимча таклиф шаклланишига замин яратди.


3-расм
Биржадан ташқари валюта бозоридаги операциялар
ҳажми
(2018-2019 йил январь-сентябрь ойлари)
млн. АҚШ долларларида



– Валюта айирбошлаш шохобчалари орқали тижорат банклари билан аҳоли ўртасида амалга оширилган валюта олди-сотди (нақд ва нақдсиз шаклда) операцияларининг жами ҳажми 3,6 млрд. АҚШ долларига етди. Бунда аҳолидан сотиб олинган валюта маблағлари 2,5 млрд. АҚШ долларини, аксинча уларга сотилган валюта миқдори 1,0 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Юқоридаги каби, аҳоли билан амалга оширилган операциялар натижасида юзага келган 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги валюта маблағлари ҳам ички валюта бозорида таклиф яратди.

Тижорат банкларининг аҳоли билан валюта олди-сотди операциялари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробарга ошди.

4-расм
Жисмоний шахслар билан амалга оширилган операция-
лар ҳажми
(2019 йил январь-сентябрь ойлари)
млн. АҚШ долларларида



Шунингдек, жорий йил январь-сентябрь ойлари давомида аҳоли томонидан амалга оширилган пул ўтказмалари жами айланма ҳажми 5,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, бундан 4,5 млрд. АҚШ доллари валюта маблағлари республикага халқаро пул ўтказмалар тизими орқали кириб келган бўлса,

0,8 млрд. АҚШ доллари аҳоли томонидан чет эл мамлакатларига юборилган.

Халқаро пул ўтказмалари орқали республикамизга кириб келган валюта маблағлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18% га ошди (2018 йил январь-сентябрь – 3,8 млрд. долл.).

Валюта курси динамикаси

2019 йилнинг 9 ойида давомида миллий валютамизнинг чет эл валютасига нисбатан курси ички валюта бозорида мавжуд талаб ва таклифдан келиб чиқиб 13% га пасайди. Ушбу давр мобайнида валюта курсининг минимал ва максимал кўрсаткичи мос равишда 8334 сўм/долл. (январь ойи) ва 9457 (сентябрь ойи) сўм/долларни ташкил этди.

Жорий йилнинг август ойида амалга оширилган чоратдбирлар натижасида алмашув курсининг янги бозор шaroитларига мослаштирилишидан сўнг сентябрь-октябрь ойларида валюта биржасида алмашув курси динамикасининг барқарорлиги кузатилиб, макроиқтисодий шароит ва омилларни инобатга олган ҳолда йил якунига қадар кескин ўзгариши кутилмапти.

cbu.uz

СУВЕРЕН КРЕДИТ РЕЙТИНГИ БАРҚАРОР

(Бошланиши 1-саҳифада)

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (ЎРТТЖ) пул маблағлари ва Ҳукумат депозитлари (ЯИМга нисбатан 10,4%), соф давлат қарзининг паст даражада эканлиги (2019 йил учун ЯИМга нисбатан -1,8% прогноз қилинмоқда), жаҳон молия бозорларидаги жорий ҳолат сабаб қулай фоиз ставкалари ва қайта молиялаштириш хаттарининг пастлиги ижобий баҳоланган.

Шу билан бирга, Ҳукуматнинг иқтисодий барқарорликни ошириш, жумладан, давлат бошқаруви ва институционал кўрсаткичларни яхшилаш ва давлат қарзининг кескин ошиб кетишини олдини олиш, шунингдек, пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатларини мувофиқлаштиришга қаратилган саяё-ҳаракатлари алоҳида қайд этилган.

Агентлик мамлакатимизда олиб борилаётган давлат улушига эга корхоналар ислохотига тўхталиб ўтар экан, фискал ва молиявий хатарларни олдини олиш, рақобат муҳитини яхшилаш ва иқтисодиётнинг самарадорлигини оширишга қаратилган нархлар ва тарифлар либерализацияси, корпоратив бошқаруving яхшиланиши ва хусусийлаштириш жараёнларига урғу берган.

“Fitch Ratings” томонидан таъкидланишича:

– доимийлик ва ишончлиликка асосланган давлат сиёсати орқали хатарларнинг камайитирилиши ва макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланиши, таркибий кўрсаткичларнинг (жумладан, аҳоли жон бошига ЯИМ ва институционал омилларнинг) кутилганидан кўра тезроқ яхшиланиши ҳамда суверен баланснинг мустаҳкамланиши мамлакатимиз кредит рейтингига ижобий таъсир этади;

– макроиқтисодий барқарорликка хавф туғдирувчи хатарларнинг ортиши, хусусан, кредитлаш ҳажмининг ва давлат қарзининг ЯИМга нисбатан тез суръатларда ўсиши, хорижий валютадаги заҳира активларининг кескин камайиши мамлакатимиз кредит рейтингига салбий таъсир этиши мумкин.


finance.uz

Наманган вилоятида чиқиндилардан электр энергияси ишлаб чиқариш мажмуасини қуришни режалаштираётган Бельгиянинг BRAG (Belgian Renewable Energy Group) компанияси вакиллари 11 октябрь куни Наманган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров билан учрашув ўтказди.

ЧИҚИНДИЛАРДАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Бу йирик лойиҳа компания президенти Ёхан Вос, Технологиялар бўйича директори Геерт Тиммерманс ҳамда халқаро ҳамкорлик алоқалар бўйича маслаҳатчи Жин де Брабанде томонидан тақдим этилган. Мазкур лойиҳа Наманган шаҳри ва яқин туманлардаги майиш ҳамда саноат чиқиндиларини қайта ишлаб электр энергияси олиш ҳамда шу аснода қўшимча қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кўзда тутди. Корхона эски чиқинди полигонларидаги чиқиндилардан ҳам фойдаланиб, полигонларни тоза ҳудудга айлантиради.

Учрашувда Испаниянинг Барселона ҳамда Бельгиянинг Антверпен шаҳарларида BRAG компаниясига оид ана шундай мажмуалар фа-



олият юритаётганини маълум қилган меҳмонлар, Наманган вилояти вакиллари ана шу корхоналарга ташриф буюриб, иш жараёни билан яқиндан танишишга таклиф қилишди. Шунингдек, лойиҳани бошлаш учун талаб этиладиган босқичлар ҳақида батафсил маълумот берган белгиялик ишбилармонлар, келгусида келишув имзолашга тайёр эканликларини билдирдилар.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА БЎЛГАН КОРХОНА

Косметик маҳсулотларнинг 0,1 дан 50%гача, фармацевтик воситаларнинг 30%гача бўлган таркибини А ви-тамини яъни қўй жунидан олинади-ган табиий мой ташкил этар экан.

Косметология ва фармацевтикада ланолин дея аталувчи ушбу мой – терини юмшатувчи ва ялиғланишга қарши восита бўлиб, ундан барчамиз ҳар куни фойдаланамиз. Теримиз юзасидаги микробларнинг асл ҳимоячиси бўлган ланолин ҳақида кўпчилик тўлиқ маълумотга эга бўлмаса керак. Ушбу компонентдан соч учун шампунлар, бальзам ва кондиционерлар, терини тозаловчи ва қуёш нуридан сақловчи лосьонлар, танани намлантирувчи ва юмшатувчи крем воситалари тайёрланади. Шунингдек, ланолин-дан фармацевтика саноатида куйишдан қолган чандиқлар, тошмаларни даволашда ишлатиладиган мазь ва кремлар ишлаб чиқарилади. Умуман олганда ланолин универсал маҳсулот ҳисобланади. Шу боисдан мазкур мой турига жаҳонда талаб катта.

Марказий Осиё минтақасида ланолин ишлаб чиқарувчи илк корхона Ўзбекистонда барпо этилмоқда. Сурхон-

дарё вилоятининг Бойсун туманида жойлашган "Бойсун лано" корхонаси ишлаб чиқариш қувватини ишга тушириш учун 2,5 млн. АҚШ доллари сарфланди. Айни дамда Хитойдан энг сўнгги русумдаги ускуналар олиб келиниб, ўрнатилмоқда.

Корхонада йилига 2000 тонна жунни қайта ишланиб, ундан тайёр ланолин олинади. Ишлаб чиқаришдан қолган жун эса ип-калава олиш учун қайта ишланади. Тайёр жун маҳсулотига ранг бериб гилам, тикув-трикотаж ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади.

"Ўзчармсаноат" уюшмаси вакиллари "Бойсун лано" корхонасида бўлиб, унинг фаолиятини ривожлантириш, маҳсулотлар сифатини ошириш бўйича маслаҳат беришди.

Корхонада ишлаб чиқариладиган ланолин ички бозордаги фармацевтика ва косметика саноати компанияларини хомашё билан таъминлабгина қолмай, Россия Федерацияси ва Хитойга экспорт қилиниши кутилмоқда.

Ҳозирги кунда "Бойсун лано" – ланолин олиш бўйича Марказий Осиёдаги ягона корхона ҳисобланиб, ишлаб чиқариш жараёни жорий йилнинг декабрь ойида бошланиши режалаштирилган.

ТАДБИРКОРНИНГ ИДДАОСИ ЎЗ ИСБОТИНИ ТОПМАДИ

Халқ банки ҳақиқий тадбиркорларни, бу ишга чин дилдан бел боғлаган фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келган ва бундан кейин ҳам мазкур ишини давом эттиради. Аммо тадбиркор номига доғ тушираётган, қўштирноқ ичидаги айрим "бизнесмен"ларнинг банкни обрўсизлантириш мақсадида қилаётган ишларини биз ҳеч қачон ижобий баҳолай олмаимиз.

Афсуски, бундай сохта тадбиркорлар ҳамма жойда бор. Хусусан, Халқ банки Шеробод филиали мижози "Темур Цемент таъминот" МЧЖ раҳбари ҳам "Озодлик" радиосига мурожаат қилган. Бироқ, ушбу видеомурожаат юридик асосга эга эмаслиги ва ҳақиқатдан йироқлиги аниқланди.

Жумладан, "Темур Цемент таъминот" МЧЖ Халқ банки Шеробод филиалига 986,0 минг АҚШ доллари миқдорида кредит маблағи ажратилишини сўраб мурожаат қилган бўлиб, ҳужжатларни ўрганиш давомида бир қатор камчиликлар аниқланган.

Халқ банки Шеробод филиали томонидан "Бекмамат Фазлиддин" фермер ҳўжалигига (раҳбари Гулшод Қодирова, Бекмамат Темировнинг турмуш ўртоғи) 2016 йил 28 октябрдаги 126-сонли кредит шартномасига асосан 500 млн. сўм миқдорида кредит маблағи ажратилган. Ушбу ажратилган кредит бирор вақт белгиланган график асосида қайтарилмаган, сурункали равишда муддати ўтказиб ёпилганлиги туфайли қарздор салбий кредит тарихига эга мижоз сирасига кирилган.

Қолаверса, "Темур Цемент таъминот" МЧЖ Халқ банки Шеробод филиалига 986,0 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш бўйича ҳужжатлари филиал кредит



комиссиясининг кредит ажратилиши бўйича мажлис баёнида ижобий қарор қабул қилинмаганига қарамайдан, мижоз ҳужжатларни вилоят филиалига тақдим этган.

Қайд этиш лозимки, тақдим этилган бизнес режа мижоз томонидан имзоланмаган ва тасдиқланмаган. 2019 йил 20 сентябрь кунидagi "Темур Цемент Таъминот" МЧЖ таъсисчилар йиғилиш баёномасида Улхон Бозорованинг низом жамғармасидаги улуши 100%, яъни 400 000 000 (тўрт юз миллион) сўмлиги баён этилган, аммо жамият томонидан тақдим этилган низом жамғармасида ягона таъсисчи Бекмамат Темиров экани кўрсатилган.

Жамият томонидан тақдим этилган импорт шартномаларининг баҳоси юзасидан "Ўзстандарт" агентлиги аккредитациясидан ўтган ташкилот томонидан экспертиза хулосаси берилмаган.

Шеробод туман ҳокимининг 09.09.2019 йилдаги Қ-4948-сонли ер

майдонини ажратиш тўғрисидаги қарори асосида жамиятга 6 гектарли ер майдони доимий фойдаланиш учун ажратилган.

Ушбу қарорнинг 7-бандида, мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралиши белгиланган бўлса-да, ҳужжатлар таркибида ушбу қарор вилоят ҳокими томонидан тасдиқланганини исботловчи ҳужжат тақдим этилмаган.

Хорижий ташкилотлар билан тузилган импорт шартномалари бўйича тўлов шакли олдиндан 30 фоиз миқдорида тўлаб бериш шартлари кўрсатилган. Бироқ, МЧЖ раҳбари томонидан тақдим этилган аризада Хитой давлатига бориб, 1 млн. АҚШ доллари миқдоридаги технология ва ускуналар ва транспорт воситаларини сотиб олиш учун олдиндан ўз маблағи ҳисобидан 20 минг АҚШ доллари миқдорида гаров (аванс) берилгани кўрсатилган, лекин ушбу маблағ (20 минг АҚШ доллари) жамиятнинг

ҳисоб рақамидан акс эттирилмаган.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ юк ташиш ва махсус техника хизматларини кўрсатишда автоуловларни сақлаш жойи ва унга хизмат кўрсатувчи алоҳида персонал бўлгандагина ушбу хизматларни кўрсатиш учун лицензия берилиши мумкинлиги қайд этилган, лекин ушбу талаблар бажарилиши бўйича маълумот берилмаган.

Жамият очилганига атиги 2 ой бўлган ва лойиҳанинг инвестицион давридаги харажатларни қоплаш учун зарурий миқдордаги пул маблағлари манбаи асосланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2013 йил 27 декабрда 2546-сон билан рўйхатга олинган Низомнинг 25-бандига асосан Кредит йиғмажилдини таҳлил қилиш пайтида тижорат банки томонидан кредит шартномасининг турли жиҳатлари, қарз олувчининг кредит тарихи, унинг раҳбари обрўси (аввалги ишлаган жойлари, илгари олинган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилгани ва бошқалар) баҳоланади деб белгилаб қўйилган. Шунга асосан мижоз кредит тарихи салбий деб топилган.

Қолаверса, МЧЖ раҳбари мурожаатида айтганидек, хориждан келтирилган ускуна ва махсус техникалар Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимида мавжуд эмаслиги, яъни мазкур ускуналар юртимиз ҳудудида кириб келмаганлиги аниқланган.

Кўриниб турибдики, ўзини омма олдида жабрдийда қилиб кўрсатаётган "тадбиркор" иддаловлари ҳақиқатга мос келмаяпти. Унинг банкни қасддан обрўсизлантиришга уриниши ортдан қандай манфаат кўзлагани ҳам бизга қоронғу...

Банк ахборот хизмати

ЧОРВА ҲАЙВОНЛАРИ СУҒУРТАСИ – АҲОЛИГА МОЛИЯВИЙ КЎМАКДИР

Дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида чорва ҳайвонларини суғурталаш давлат томонидан тартибга солинади. АҚШ, Канада, Япония, Испания, шунингдек, МДХ давлатларидан Украина, Беларусда чорва ҳайвонларини суғурталашнинг мажбурий тизими жорий этилганлиги шулар жумласидандир. Бунга сабаб, чорва ҳайвонларининг табиий офат ва турли касалликлардан зарар кўриш хавфи юқорилигидир.

Бугун ижтимоий тармоқларда “чорва ҳайвонларини суғурта қилиш мажбурий экан, фуқаролардан пул йиғишнинг янги усулини топишбди, ҳар бир чорва молини боқиш учун давлатга пул тўлашимиз керакми?”, – деган фикрлар муҳокама этилмоқда. Шунинг учун мазкур масалаларга ойдинлик киритишни лозим топдик.

Ўзбекистон Республикасида чорва ҳайвонлари ихтиёрий равишда суғурта қилинади. Бу ҳақда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Аҳоли хонадонларида ва чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектларда парвариш қилинаётган чорва ҳайвонларини суғурта қилиш тартиби тўғрисида”ги 830-сонли Қарори билан тасдиқланган Низомда ҳам қайд этилган.

Хўш, қайси чорва ҳайвонлари нимадан суғурта қилинади?

Низомга кўра, қорамоллар, қўйлар, эчкилар, отлар, туялар, чўчкалар, паррандалар ва мўйнали ҳайвонлар учун – ёнғин, бўрон, довул, сел, сув тошқини, яшин уриши, зилзила, қаттиқ совуқ тушиши натижасида музлаб қолиши, электр токи уриши (ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаса), заҳарли ўтлар ёки моддалардан заҳарланиш, транспорт воситаларининг уриб кетиши, портлаш, кўчки, йиртқич ҳайвонлар ҳужуми, сувга ёки жарликка қулаш, ўғирланиш (агар шу муносабат билан жиноят иши очилган бўлса) ўткир предметлардан зарар кўриш ёки нобуд бўлиш, шунингдек, 101 турдаги касалликларнинг келиб чиқиши оқибатида нобуд бўлиши, ҳайвонлар ўлиши муқаррар бўлганда ёки касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида давлат ветеринария хизмати ходими ва маҳалла фуқаролар йиғини вакили иштирокида мажбуран сўйилиши этиб белгиланган.

Шу билан бирга, асарларлар учун – ёнғин, бўрон, довул, сел, сув тошқини, яшин уриши, зилзила, қаттиқ совуқ тушиши оқибатида музлаб қолиш, касалликлар оқибатида нобуд бўлиш, ўғирланиш (агар шу муносабат билан жиноят иши очилган бўлса) ҳамда балиқлар учун – бўрон, довул, сел, сув тошқини, зилзила, касалликлар оқибатида нобуд бўлиш, мазкур жойга хос бўлмаган даражада ҳавонинг совуқ келиши, муз кўчиши, портлаш, балиққўш қушлар (чайка, баклан) томонидан зарар етиши, учинчи шахс томонидан қасддан қилинган ҳаракат, ўғирлик (агар шу муносабат билан жиноят иши очилган бўлса) қабилидир.

Яъни, қисқача айтганда, чорва ҳайвонлари табиий офатлар, бахтсиз ҳодисалар, касалликлар оқибатида нобуд бўлиши, мажбуран сўйилиши

ва ўғирлик ҳолатларидан суғурта қилинади.

Суғурта шартномаси тузиш тартиби қандай?

Суғурта шартномаси юридик шахслар (ташкilotлар) билан суғурталовчи томонидан ишлаб чиқилган суғурта шартномаси шаклига мувофиқ ихтиёрий тузилади.

Жисмоний шахслар (фуқаролар) билан ихтиёрий тузиладиган суғурта шартномаси уларнинг мурожаатига кўра, суғурта мукофоти тўлангандан сўнг суғурта полиси бериш йўли билан расмийлаштирилади.

Жисмоний шахсларга бериладиган суғурта полиси – суғурта шартномаси ҳисобланади.

Суғурта пули қандай белгиланган?

Чорва ҳайвонларининг суғурта қийматига нисбатан суғурта пулининг энг юқори миқдори қорамол, от, туя, қўй ва эчкилар учун 80 фоиз, мўйнали ҳайвонлар учун 60 фоиз ҳамда чўчка, парранда, балиқ ва асалари учун 50 фоиз этиб белгиланган.

Жисмоний шахслар эгаллигидаги чорва ҳайвонларининг суғурта қиймати бозор нархларидан келиб чиқиб, суғурталовчи ва суғурта қилдирувчининг келишувига асосан суғурта шартномасида белгиланади.

Чорва ҳайвонларини суғурта қилишда суғурта мукофоти чорва ҳайвонларининг суғурта пулига нисбатан 8.0 фоиз миқдорида белгиланади.



Мисол учун, фуқаро парвариш қилаётган бир бош сигирнинг бозор баҳоси 5 миллион сўм бўлса, суғурта шартномаси унинг 80 фоизи, яъни 4 миллион сўмга тузилади. Фуқаро тўрт миллион сўмдан 320 минг сўм (80%) суғурта мукофотини тўлайди. Суғурта полиси бир йил муддатга берилади ва шу муддат ичида чорва ҳайвонлари табиий офатлар, бахтсиз ҳодисалар, касалликлар натижасида нобуд бўлса, мажбуран сўйилса ёки ўғирланиши (агар шу муносабат билан жиноят иши очилган бўлса) натижасида фуқарога 4 миллион сўм миқдорида етказилган зарар қоплаб берилади.

Шартнома тузиш учун қаерга мурожаат қилиш керак?

Суғурта шартномасини тузиш учун фуқаролар “Ўзгросуғурта” АЖ ёки ҳудудлардаги ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларига мурожаат қилишлари мумкин.

Суғурта мукофоти юридик шахслар томонидан суғурта шартномасига кўра 5 кун муддатда суғурталовчига тўланади. Жисмоний шахслар томонидан суғурта мукофоти нақд пул ёки

пластик карточка орқали ҳамда бошқа тўлов воситалари орқали тўланиши мумкин.

Суғурта мукофоти тўлангандан сўнг фуқароларга ўша кунни ўзида, юридик шахсларга 3 кун ичида суғурта полиси ёзиб берилади.

Суғурта ҳолати юз берганда қандай йўл тутиш лозим?

Шартнома амал қилган даврда чорва ҳайвонлари табиий офатлар, бахтсиз ҳодисалар, касалликлар натижасида нобуд бўлса, мажбуран сўйилса ёки ўғирланиши (агар шу муносабат билан жиноят иши очилган бўлса) ҳолати юз берганда 5 кун ичида суғурта ташкилотига ёзма ёки оғзаки хабар бериш керак. Ушбу хабарнома асосида, суғурталовчи томонидан 3 кун муддатда чорва ҳайвони нобуд бўлганлиги, мажбуран сўйилганлиги ёки ўғирланганлиги тўғрисидаги далилатнома тузилади.

Суғурта товонини олиш учун суғурта қилдирувчи ёки унинг ишончли вакили суғурталовчига далилатнома тузилгандан сўнг 2 кун муддатда ариза билан мурожаат қилади. Аризага суғурта полиси нусхаси, ҳайвоннинг ветеринария паспорти нусхаси, суғурта қилдирувчига хизмат кўрсатувчи ветеринар врач ёки давлат ветеринария хизмати мутахассисининг ҳайвон жасадини ёриш баённомаси, ҳайвоннинг касалланиши, нобуд бўлиши ёки мажбуран сўйилиш сабаблари тўғрисида давлат ветеринария хизмати ёки ветеринария лабораториясининг хулосаси, гидрометеорология маркази, ёнғиндан сақлаш хизмати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ва бошқа ваколатли ташкилотларнинг маълумоти ҳамда суғурта тавakkалчиликларининг яққол намоён этувчи суғурта ҳодисаси рўй берганлигини тасдиқловчи фотосуратлар ёки видеотасмалар тақдим этилади.

Суғурталовчи тоvon тўлаш ёки тўлашни рад этиш ҳақида суғурта қилдирувчи томонидан ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан сўнг 15 кун муддатда қарор қабул қилади. Агарда суғурта товонини тўлашни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинса, суғурталовчи суғурта қилдирувчига тоvon тўлашнинг рад этишни асослантирган сабабларини кўрсатган ҳолда хабар беради. Суғурта товони суғурталовчининг тоvon тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб 5 кун муддатда тўлаб берилади.

Ҳозирги кунда чорва ҳайвонлари турли сабабларга кўра нобуд бўлишидан кўплаб фуқароларимиз катта миқдорда зарар кўрмоқда, азият чекмоқда. Бу эса гўшт маҳсулотларининг нархига таъсир ўтказмай қолмайди. Суғурта хизмати – ушбу кўрилган зарарларни қоплатишнинг кафолат механизми-ридан бири ҳисобланади. Асло, чорва ҳайвонларини суғурта қилиш, ижтимоий тармоқларда таъкидланганидек “фуқароларни шилишининг янги йўли” эмас, бу ихтиёрийдир, яъни, юридик ёки жисмоний шахсларнинг истаги бўлсагина амалга ошириладиган молиявий хизматнинг бир тури бўлиб ҳисобланади.

Абдурашид ВАҲОБОВ,
“Ўзгросуғурта” АЖ Бошқаруви
департаментининг менежери

ХАБАРЛАР

БИРЖА САВДОЛАРИДА ЎСИШ КУЗАТИЛДИ

2019 йилнинг 7-13 октябрларида “ЎЗРТХБ” АЖ да 807,2 млрд. сўмлик битимлар тузилди, бу эса аввалги ҳафтадаги натижага нисбатан 19,6%га юқори. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари иштирокида тузилган битимларнинг умумий ҳажми 11,3% га ўсиб, 345,7 млрд. сўмни ташкил этди.



Шу жумладан биржа савдоларининг ҳажми 571,9 млрд. сўмдан 721,1 млрд. сўмга ошди. Валюта савдо майдончаси орқали деярли 2,0 млн. АҚШ долларига тенг товарлар сотилди, бу эса аввалги ҳафтадаги натижага нисбатан 10,3% га юқори. Экспортнинг таркибида полиэтиленнинг турли маркаларининг улуши 83%, пахта толасининг улуши 13%, ва бошқа маҳсулотларнинг улуши 1% дан кам бўлди.

Кўргазма-ярмарка савдоларининг ҳафталик ҳажми аввалги ҳафтага нисбатан деярли икки маротабага ўсиб 30,2 млрд. сўмга етди. Кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган харидлар 5,2 млрд. сўмни ёки тузилган битимларнинг 17,2% ни эгаллади.

Ўтган ҳафтада давлат харидлари бўйича xarid.uz махсус ахборот порталида тузилган битимларнинг ҳажми 53,0 млрд. сўмни ташкил этди. Бюджет ва корпоратив буюртмачиларнинг пул маблағини тежалиши 12,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Кўриб чиқилаётган давр мобайнида онлайн аукцион орқали 641 та автомобиль рақамлари сотилди. Сотилган давлат рақам белгиларининг умумий суммаси 2,9 млрд. сўмни ташкил қилди. Рақобатли савдолар натижасида битимларнинг 20,9% биринчи тоифадаги авторакамларга 50,9% иккинчи ва 28,2% учинчи тоифа авторакамларга тегишлидир.

finance.uz

РИСКЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ – ДАВР ТАЛАБИ



Республикамиз банк-молия тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар алоҳида аҳамиятга молик. Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизимини такомиллаштириш ва жаҳон стандартларига яқинлаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Банк рискларини бошқариш йўналишида олиб борилаётган ишлар ҳам шулар жумласидандир.

"Ипотека-банк" АТИБНИ замонавий тижорат банкига трансформация қилиш доирасида Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда рискларни бошқариш тизими тубдан ислоҳ қилиниб, Базель кўмитаси талаблари асосида қайта ташкил этилмоқда. Банкда Рискларни бошқариш сиёсатлари, Рискларни бошқариш стратегияси ва Риск-аппетити методикаси янгидан ишлаб чиқилди. Рискларни назорат қилувчи ва бошқарувчи кўмиталар ташкил этилди ва у ўз фаолиятини олиб бормоқда. Риск ҳисоботлари янгича талқинда ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Ликвидилик, фойиз, валюта, кредит рисклари бўйича стресс-тестларнинг янги моделлари яратилди ҳамда тасдиқланган меъёрларни амалиётга татбиқ этиш ишлари бошланди.

Бугунги кун замонавий банк фаолиятида рискларни бошқариш муҳим аҳамият касб этмокдаки, бу борада банкнинг раҳбар ва ходимлар ўз билимларини оширишига зарурият туғилмокда. Шунининг билан олган ҳолда, 27-28 сентябрь кунлари “Ипотeka-банк” АТИБ Бош офиси ва Тошкент шаҳар филиалларининг раҳбар ва ходимлари учун Халқаро молия корпорацияси етакчи эксперти, бир қатор хорижий банкларнинг риск менежмент тизимида фаолият кўрсатган, банк рискларини бошқариш бўйича катта амалий тажрибага эга Серпилев Шах хоним томонидан “Банк рискларини бошқаришнинг умумий тамойиллари” мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Семинар давомиди рисклар тушунчаси батафсил ёритиб берилди. Таъкидландики рискларни бошқариш бу – банк фаолияти билан боғлиқ бўлган рискларни аниқлаш, уларни баҳолаш, ҳисоблаш, қабул қилиш, назорат ва кузатув мониторингини олиб боришдир. Самарали рискларни бошқариш тизими рискларни инobatга олингандаги даромадга эга

бўлиш учун, даромад ва рисклар ўртасидаги мувозанатга асосланган ҳолда қарорлар қабул қилиш ҳамда рискларни бошқариш бўйича молиявий ва бошқа бошқарув инструментларидан фойдаланишдан иборат бўлган жараёнларни ўз ичига қамраб олади.

Илғор хорижий банк тажрибасида рискларни бошқариш тизими, бу нафақат эҳтимолий йўқотишларнинг олдини олиш, балки стратегик устунлик инструменти бўлиб ҳам хизмат қилади. Рискларни самарали бошқариш орқали капитални бошқариш, банк хизматлари нархини оқилоналаштириш имкониятлари кўпаяди, натижада mijhoxларга қўшимча қулайликлар яратилади, банк даромадлилиги ошади, акциядорлар манфаатдорлиги ортади.

Шуниингдек семинарда тижорат банкларидаги мавжуд рисклар ёритилганда, рискларни комплекс тарзда бошқариш уларнинг ҳар бир турини алоҳида бошқаргандан кўра самарали эканлиги таъкидланди. Кредит, бозор, ликвидлик ва операцион рисклар тижорат банкларидаги энг асосий риск турлари бўлиб, булардан ташқари концентрация, стратегик, репутация ва комплайнс рисклари каби бир қатор рискларни ҳам бошқариш муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий тижорат банкла-
ридаги рискларни бошқариш
тизимида банкнинг барча
бўғинлари жалб қилинади. Бу-
гунги кундаги илғор тажрибада
рискларни бошқариш тизими 3 та
ҳимоя чизиғини ташкил этишга
асосланган:

– биринчи ҳимоя чизиғи бу – бизнес ва операциял бўлинмалар томонидан мижоз билан дастлабки учрашувда ёки бирор ички амалиётни ўтказиш жараёнининг ўзида хатарларни аниқлаш ва бошқариш. Бунда ушбу амалиётларнинг стандартлаштирилганлиги ва ҳар бир жараёнда юзгага келиши мумкин бўлган хатарларнинг доимий мониторингини юритиш (ўз-ўзини баҳолаш) муҳим аҳамият касб этади;

– иккинчи ҳимоя чизигига банк
рискларини бошқариш департа-
менти, ички назорат хизмати,
маълумотлар хавфсизлиги хиз-
мати кириб, ушбу бўғин рисклари
бошқариш методологияси ва ин-
струментларини ишлаб чиқиш,
рискларни аниқлаш, баҳолаш,
уларни бошқариш (масалан лимит-
лар белгилаш орқали), мониторинг

ва назорат тизимини йўлга қўйиш
орқали амалга оширилади;

– учинчи ҳимоя чизигига банкнинг ички аудит тизими киради. Ички аудит хизмати банкдаги рискларни бошқариш тизимини ўрганади, ушбу тизимга баҳо беради, мазкур тизимнинг банк риск-аппетитига монандлигига асосла-ниб, унга ўзгартириш киритиш учун тавсиялар ишлаб чиқади. Ушбу бўғим тўғридан-тўғри банк Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади.

Банкда риск маданиятини шакллантириш рискларни бошқариш тизими самарадорлигининг энг муҳим омиллидир. “Рискларни бошқариш маданияти” деганда мавжуд рискларни тушуниш, рискларни самарали бошқариш бўйича тасаввур ва етарли билимларга эга бўлиш бўйича банк раҳбарлари ва ходимлари ўртасида тақсимланган қадриятлар тўплами тушунилади. Мазкур қадриятларга барча раҳбар ва ходимлар томонидан амал қилиниши лозим.

Умуман олганда, рискларни бошқаришнинг самарали тизими-ни яратишда банк бошқарув органилари ҳамда ҳар бир бўлинмаларнинг вазифалари, масъулияти ва жавобгарлиги аниқ белгилаб берилиши муҳим аҳамият касб этади. Банк Кузатув кенгашининг, яъни банк акциядорлари вакилларининг рискларни бошқариш жараёнларидаги фаол иштироки илгор хорижий тажрибадаги энг асосий бўғиндир. Ушбу фаолиятни ташкил этишда Кузатув кенгаши қoшида Рискларни назорат қилиш қўмитаси масъул орган ҳисобланади.

Рискларни бошқариш тизимини ташкил этиш мақсадида биринчи навбатда банкнинг Рискларни бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш ва Қазқатув кенгаши томонидан тасдиқлаш талаб этилади. Ушбу ҳужжатда банкдаги рискларни бошқариш бўйича барча жараён-ларни ёритиш билан бир вақтда, бу учун маъсул бўлинмалар, уларга юклатиладиган вазифалар, маъсулият ва жавобгарлик, назорат ва ҳисобот тизимлари белгилаб берилади.

Шу билан бир вақтда, замонавий тижорат банкларида рискларни бошқариш стратегияси ва банк риск-аппетитини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш муҳимдир. Ушбу ҳужжатда банкдаги мавжуд рисклар, уларни бошқариш усуллари, мақсадли параметрлар белгиланади. Риск-аппетит бу – стратегик мақсад ва бизнес-режа

кўрсаткичларига эришиш учун банк томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган эҳтимолий зарарларнинг, мавжуд рисклар кўринишида жамлаиб белгиланган даражасидир. Банк риск-аппетити банк стратегияси ва бизнес режаси асосида Кузатув кенгаши томонидан ҳар йили қайта кўриб чиқилиб, тасдиқланади.

Семинар-тренинг давомида
рисklarнинг ҳар бир тури бўйича
уларни аниқлаш, баҳолаш,
бошқариш, назорат ва ҳисобот
инструментлари ёритиб берилди.
Бунда рисklarни баҳолаш учун
стресс-тестлар ўтказиш, кредит
рисklари бўйича скоринг картаси
ва скоринг моделлари аҳамияти,
кредит портфелини баҳолаш,
мижозлар кредит рейтинглари
аҳамияти, лимитлар белгилаш,
уларнинг назоратини юритиш, опе-
рацион рисklarни бошқаришда
ўз-ўзини баҳолаш методологи-
яси каби бир қатор рисklarни ка-
майтириш услубларига тўхталиб
ўтилди.

"Ипотека-банк"да ҳам амалга оширилаётган трансформация дастурига асосан банкда илгор халқроқ тажриба ва банк назорати бўйича Базель кўмитаси тавсияларига асосан рискларни бошқаришнинг замонавий тизими яратилмоқда. Рискларни бошқаришнинг янги тизимида рискларни бошқариш жараёнига банкнинг барча ходимлари, шунингдек, топ-менеджер ва кузатув Кенгаши аъзолари жалб этилмоқда. Хусусан, Кузатув кенгаши қошидаги Рискларни назорат қилиш кўмитасига банк Кенгашининг ўрта мустақил аъзоларидан икки вакили сайланган бўлиб, улар рискларни бошқариш бўйича хорижий тажрибага эга малакали мутахассислардир. Ушбу мутахассислар ва Халқроқ молия корпорацияси экспертлари билан ҳамкорликда банкдаги рискларни бошқариш тизими тубдан қайта қўриб чиқилди, ички меъёрий ҳужжатлар илгор хорижий тажриба асосида қайта ишланди. Ҳозирда уларни амалиётга таътиқ этиш ишлари олиб бориламоқда.

Ушбу икки кунлик семинар-тренинг машғулотларида “Ипотека-банк” АТББ Бош офиси ва Тошкент шаҳар филиалларининг барча департамент ва бўлимларидан ходимлар фаол иштирок этишди. Семинар-тренинг машғулотлари қизғин савол-жавоб тарзида ўтди. Ходимлар ўз профессионал соҳалари бўйича юзага келиши мумкин бўлган банк рисклари ва хавф-хатарларини баҳолаш бўйича етарлича кўникама ва малакага эга бўлдилар. Халқаро молия корпорацияси эксперти Серпиль Шах хоним иштирокчиларнинг қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоб берди.

**Равшан БАҲРАМОВ,
“Ипотека-банк”
АТИБ Банк рискларини
бошқариш департамент
директори.**

ХАЛҚ БАНКИ ФИЛИАЛИ ЯНГИ БИНОДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Аҳолига кредит ажратиш, сифатли банк хизматлари кўрсатишда Халқ банки муҳим аҳамиятга эга эканига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан мамлакатимиз молия-банк тизимида миқозларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, хизмат кўрсатиш маданияти

ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги ишлар самараси аҳолининг турмуши фаровонлигини юксалтириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда ўз ифодасини топаётир. Бу борада Халқ банки томонидан амалга оширилаётган ишлар, айниқса аҳолини тадбиркорликка йўналтириш орқали янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилаётир.



Реклама



Барқарорлик белгиси!

**«Туронбанк» АТБ юртдошларимизга миллий валютадаги
«Жавоҳир»**

муддатли омонат туруни таклиф этади

**Омонатнинг йиллик фоиз ставкаси – 21%-23%
Омонат муддати – 12-36 ой**

**Омонатга ҳисобланган фоизлар
ҳар ойда тўлаб борилади.**

**Шунингдек «Туронбанк» АТБ Сизга миллий ва хорижий
валюталарда жозибадор шартларда муддатли, жамғарма
ва онлайн (MyTuron иловаси орқали) омонатларини
таклиф этади.**

**Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг
банклардаги омонатларини кафолатлаш
фонди томонидан кафолатланади.**



www.turonbank.uz

f turonbank

Instagram turonbank

Telegram turonbankuz



99895 144-60-00

Хизматлар лицензияланган

Жумладан, банкнинг Тошкент вилояти филиаллари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жорий йилнинг 9 ойида 245 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиб, 4 минг 700 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

– Аҳолига тўй ва маросимлар учун хизмат кўрсатамиз, – дейди "Р.Алишер саройи" масъулияти чекланган жамияти раҳбари С. Ёқубжонов. – Мажмуамизда шунингдек, сартарошхона, гўзаллик салони, аёллар фитнес клуби фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Жорий йилнинг июль ойида Халқ банки туман филиалининг 700 миллион сўм моддий кўмагида фаолиятимизни бoshлаган бўлсак, айти пайтда ўша банкнинг кўмагида фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштирямиз. Ресторанни фойдаланишга топшириш орқали аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, ишчиларимиз сонини 20 нафардан 40 нафарга етказишни мақсад қилганмиз.

Банкнинг Тошкент вилояти филиаллари томонидан жорий йилнинг 9 ойида "Ёшлар – келажагимиз" Давлат дастури ижроси юзасидан 55 миллиард сўм, хунармандчиликни ривожлантириш мақсадида 6,4 миллиард, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича эса қарийб 8 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди. Натижада 1 минг 200 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Айни пайтда банк тизимида миқозларга кўрсатилаётган хизмат сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада аввало, банк хизматчилари учун қулай иш шароити, миқозларга эса қўшимча қулайлик яратиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган даврда банкнинг Қуйи Чирчиқ тумани филиалида банк хизматлари маркази ташкил этилди. Бўка филиалида шундай марказ қурилиши билан боғлиқ жараён келгуси ойда тугалланиши кутилмоқда. Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл филиалларида эса, марказни жиҳозлаш ишлари олиб боришмоқда.

Реконструкциядан сўнг замонавий қиёфага эга бўлган филиал биносида банк хизматчилари ва миқозлар учун барча зарур шароит яратилди.

Тадбир иштирокчилари банк филиали фаолияти ҳамда бинода яратилган шароитлар билан танишди.

Сарвар ОЧИЛОВ

ХУШХАБАР

500 МЛН. АҚШ
ДОЛЛАРИЛИК
ЛОЙИХА

Хоразм вилоятида хорижий инвесторлар томонидан қиймати 500,0 млн. АҚШ доллари тенг бўлган карбамид ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилади.

Хоразмга Буюк Британиянинг "ARAUK Capital Limited" компанияси директори Раиша Али ва "ARAUK Capital Limited" компанияси халқаро алоқалар бўйича директори Адил Туфайл ташриф буюриб, экспертлар иштирокида мазкур лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш бўйича вилоят ҳокими Фарход Эрманов билан музокаралар ўтказишди.

Жорий йилнинг 5-6 апрель кунлари Хоразмда ўтказилган "Invest in Khorezm" халқаро инвестицион форуми доирасида вилоятда карбамид ишлаб чиқариш бўйича инвестицион лойиҳани амалга ошириш тўғрисида келишув имзоланган эди.

Бу ерда чет эллик инвесторлар томонидан ташкил қилинган "Nurana star capital investment" хорижий корхонасида умумий қиймати 500,0 млн. АҚШ доллари тенг бўлган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобига кунига 2500,0 тонна карбамид ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Бугунги кунда "Nurana star capital investment" хорижий корхонаси билан Хоразм вилояти ҳокимлиги ўртасида келишув меморандуми имзоланган.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун "Хазорасп" эркин иқтисодий зонаси ҳудудидан 40 га. ер майдони танланган.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида вилоятда карбамид ишлаб чиқариш қувватлари яратилиши ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг камида 50 фоизи хорижий давлатларга экспорт қилиниши, шунингдек, 650 та янги иш ўринлари ташкил қилиниши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, компания вакиллари Хазорасп туманидаги лойиҳа амалга оширилаётган ҳудудни ўрганиб, унинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишни бошладилар.

finance.uz

Сўнгги йилларда "инвестиция", "инвестор" каби атамаларни тез-тез тилга оляпмиз. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йилни "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб эълон қилиниши ҳам мамлакат иқтисодий ривожда инвестициялар муҳим омили эканлигини кўрсатади.

Маълумки, ҳозирги кунда ҳар қандай минтақани ривожланишига олиб келадиган асосий йўналишлардан бири инвестициялардир.

"Инвестиция" атамаси латин тилидаги "invest" сўзидан келиб чиққан бўлиб, "қўйиш", "маблағни сафарбар этиш" маъносини беради. Кенг маънода эса инвестиция, кўпайтириб қайтариб олиш мақсадларида капитал боғлашни билдиради. Кўпгина ҳолларда "инвестициялар" тушунчаси иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тарзида таърифланади. Қуйида иқтисодчи олимларнинг инвестицияга берган таърифу изоҳларини ўрганамиз.

Б.Б.Беркинов таъкидлашича, "Инвестициялар корхоналарда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашнинг моддий асоси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам инвестициялардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳар бир давлат ҳамда корхонанинг иқтисодий ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эгадир." И.И.Имомов эса, "Инвестициялар деганда барча турдаги миллий ва интеллектуал бойликлар тушунилиб, улар тадбиркорлик фаолияти объектларига йўналтирилиб даромад келтириши ёки бирор-бир ижобий самарага эришиши зарур"лигини айтади.

"Республика иқтисодиётининг тараққиётини таъминлашда инвестицияларнинг роли бениҳоя катта бўлиб, у энг аввало, иқтисодиётни интенсив ривожлантириш ҳамда янги техника-технологиялар жалб этиш ва ўзлаштириш негизида ривожлантириш билан изоҳланган", дейди У.А.Ҳайдаров.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида инвестициялаш ҳар қандай тижорат фаолиятининг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, авваламбор, инвестиция манбаларини такомиллаштириш ва унинг жамғармасини кўпайтириш лозим. Инвестициялар манбаларига кўра, ички ва ташқи инвестицияга бўлинади. Ички инвестиция манбалари давлат бюджети, корхоналар ва аҳоли маблағи, банк кредитлари ҳамда нобуджёт жамғармаси маблағлари; ташқи инвестиция манбалари бўлиб эса, хорижий давлатлар ва фирмаларнинг, шунингдек, халқаро молия ташкилотларининг маблағлари ҳисобланади.

М.А.Маматов инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқаришдаги ўрни, ишлаб чиқарувчи кучлар ва иқтисодий муносабатлар тизимини белгиловчи омили деб баҳолайди.

Ҳар қандай давлатга инвестицияларнинг кириб келиши мазкур мамлакатдаги инвестиция муҳитига таъсир этувчи омилларга бевосита боғлиқ. Инвестиция муҳити инвестиция ре-

ИНВЕСТИЦИЯ
ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

сурсларини жойлаштириш учун умумий мезон бўлиб, биринчи навбатда, капитал маблағлар даромадлигини таъминлаб беради. Содда қилиб айтганда, инвестиция муҳити инвестиция муносабатларини амалга ошириш мумкин бўлган имкониятлар ва қўлайликлар мажмуасини ўзида акс этдирган воқелиқдир.

Ҳозирги кунда инвестицияларни турли шакллариининг пайдо бўлиши уларнинг иқтисодиётдаги ўрнини ва аҳамиятини ошириш билан бирга уларнинг моҳиятини очиб беришга қаратилган илмий изланишларнинг ҳам юқори савияда бўлишини талаб этмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври адабиётларида инвестициялар жуда кўп ўрганилган ҳамда олимлар томонидан уларнинг иқтисодий моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Н.Х.Ҳайдаровнинг фикрига кўра, инвестициянинг моҳияти давлат, аҳоли ва тўлиқ мулк шаклидаги корхоналарнинг молиявий, мулкӣ ва интеллектуал бойликларига нисбатан тегишли бўлган қонунлар доирасида жалб этилиши бўйича ўзининг аниқ аксини топган.

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш, техник ва технологик қайта қуришда Ўзбекистондаги иқтисодий слоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири инвестиция фаолиятини жадаллаштириш ҳисобланмоқда. Бунда иқтисодиёт тармоқларига инвестициялар жалб қилишни яхшилашда тижорат банклари фаоллиги билан амалга ошириш босма инвесторлар учун имкониятлар яратади ва бу ҳол иқтисодий ўсишни таъминлаш истиқболларини кўрсатиб беради.

Иқтисодиёт тармоқларига жалб қилинаётган инвестициялар миқдорини ошириш ва бу жараёни тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини такомиллаштириш орқали жадаллаштириш бўйича қуйидаги вазифалар амалга оширилмоғи лозим:

1. Иқтисодиётимизда бозорни маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулотлари билан тўйинтириш йўлида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга кафолатланган буюртмалар муҳитини шакллантиришни йўлга қўйиш даркор;

2. Иқтисодиёт ривожда чет эл инвестицияларининг тугган ўрнини дол-

зарблигини инобатга олган ҳолда, уларнинг миқдорини тобора ошириб бориш даркор. Бу каби масалани ҳал этишда хорижий инвесторларга тегишли имтиёزلарни кўпайтириш билан бир қаторда, яратилган имтиёزلардан хабардор бўлиш имкониятини кенгайтириш лозим;

3. Инвестицион салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида инвестицион жараёни жадаллаштириш асоси ҳисобланмиш аҳоли бўш пул маблағларини тижорат банкларига жалб қилиш ҳолатини янада яхшилаш лозим. Бу борада аҳолининг тижорат банкларига бўлган ишончини янада ошириш керак бўлади;

4. Мавжуд салоҳият, ресурслар ва яширин имкониятларни аниқлаш асосида минтақа иқтисодиётини асосий тармоқларини модернизациялашга оид лойиҳаларни амалга ошириш лозим;

5. Маҳаллий қишлоқ хўжалик хомашёси ва фойдали табиий ресурсларни чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш фойдадан холи эмас;

6. Банкларда ҳудудларни ривожлантириш учун ҳар бир ҳисоб рақам очган миқдорни моддий томондан рағбатлантириш (совғалар, пул маблағи, шунингдек, дебет айланмасини минимумлаштириш ва бошқалар);

7. Жалб қилинган ресурслардан кредитлар ажратишда диверсификация йўли билан ажратиш, кредит портфелини янада ўстириш ва сифатини яхшилаш ҳамда хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш;

8. Реклама хизматини кенгайтириш орқали янги хизмат турларини амалиётга тадбиқ қилиш;

9. Мамлакат иқтисодиётини инвестиция сиёсатини яхшилаш ҳамда инвестиция фаолияти ривожини жадаллаштириш йўлида тижорат банклари иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш, иқтисодиётда янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириб боришга эришиш эҳтимолдан холи эмас;

10. Ҳудудий инвестицияни ошириш учун банкларининг кредит ҳажмини мунтазам ошириб бориш.

Зафарбек КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси
тингловчиси.

ТИЛГА ЭЪТИБОР – ЭЛГА ЭЪТИБОР

Хабарингиз бор, 1989 йил 21 октябрь куни “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида”ги алоҳида қонун қабул қилинган. Ҳар йили шу сана ўртимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун сифатида кенг нишонланади. Бу йил ҳам турли жамоат муассасаларида, мактабларда, кутубхоналарда, банк муассасаларида ўзига хос тадбирлар ўтказишга тайёргарлик кўриляпти.

Энг асосийси, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Бу қарор қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида фойда муҳим ўрин

эгаллаб келаётган буюк қадрият эканига ҳукумат миқёсида эътибор қаратилаётганига далolat қилади.

Чиндан ҳам қарорда таъкидланганидек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилгани она тилимизнинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш ва қўлланиш доирасини кенгайтириш, филолог кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларни янги поғонага кўтарди.


Очиғини айтиш керакки, айрим ҳамюртларимиз “тил ўргансин, улғайганида яхши ишда ишласин” деб фарзандини мактабларнинг рус синфига беришади. Албатта, ёшларимиз қанча кўп тил ўрганса, шунча яхши. Аммо, бу она тилимизни билмаслик ёки унутиш ҳисобига бўлмаслиги лозим. Юқорида Президентимизнинг қарори ҳам шу маънодаки, энг аввало, тилга шу билан боғлиқ маънавий йўналишда фаолият кўрсатадиган муассасалар катта эътибор қаратишлари, хусусан, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларида тил софлигини сақлаш керак бўлади.

Мухтасар қилиб айтганда, тилга эътибор айнан 21 октябрь кунигина эмас, ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқада, ҳар сонияда бўлиши лозим.

Шукур ЖАББОР

МИЛЛАТИМИЗ ШОНИ

Тил бор экан, миллат яшайверади. Агар аксинча бўлса-чи... Афсуски, бугунги глобаллашув замонидан ана шундай ўз тили-ю маданиятидан ажраб қолаётган элу элатлар кам эмас. Уларнинг маданияти, урф-одатлари, энг асосийси – тили энди фақат тарих саҳифаларидагина сақланмоқда.



Шукурки, бу борада она тилимизга хавф йўқдек, назарамизда. Аммо бугунги замон шиддати, глобаллашув тилимизга ўз таъсирини ҳам кўрсатмоқда. Буни ён-атрофни кузатиб ҳам англаб олиш ҳеч гап эмас. Шундай экан, бир замонлар дунёга тил борасида ҳам ҳукмронлик қилган қадим маданиятимиз юксак ривожланган давлатлар тараққиёти ва глобаллашувига “ютилиб” кетмаслиги учун ҳаракат қилишимиз керак бўлади.

Айниқса, турли соҳаларга жуда кўп халқаро атамалар билан биргаликда хорижий сўзлар истеъмолга кириб улгурди. Буларнинг барчасини она тилимиздаги сўзларга ўзгартириш лозим демоқчи эмасмиз. Бунинг илоҳи ҳам йўқ. Халқаро атамалар албатта халқаро муомалада керак бўлади. Бироқ, халқаро бўлмаган, ўзгартирилиши лозим бўлган хорижий сўзларнинг она тилимиздаги муқобилини қўллаш фойдадан холи эмас. Бу тилимиз софлиги йўлида энг мақбул ишдир.

Тан олишимиз керакки, бугунги кунда сўзлашувимизда хорижий, асосан рус тилидаги ибораларни қўллаш одат тусига кирган. Бу, албатта, миллий тилимизга бўлган эътиборсизлик натижасидир. Шунингдек, “Вопше”, “окей”, “неужели”, “так што”, “ну”, “пака”, “пастоянно”, “давай”, “низашто”, “тема” “какраз”, “так”, “даже”, “нормални” каби бир қанча курама сўзлар сўзлашув тилимизга кириб келганки, ҳатто, уларни ўша тил асосида ҳам юқорида келтирил-

гандек шаклда қўллаб, тўғри талаффуз қилмайдиганлар ҳам бор. Шу билан бирга, айрим кимсалар томонидан мулоқотда шевага хос сўзларни, мавҳум от, сифат ва феълни ишлатиш, яъни “анақа”, “нақа”, “шно” каби товушларни қўллаш ҳам урчиб қолган.

Шу ўринда автобус бекатлари номини ҳам миллий ва ўзбек тилида номлашни ҳам ўйлаб кўриш керак бўлади. Тошкент шаҳрида баъзан, нафақат йўловчилар, балки ҳайдовчиларнинг ўзи ҳам бекат номларини нотўғри талқин қилиш ҳолларига гувоҳ бўламиз. Мисол учун “Ц 1”, “Алайский”, “Фархадский” ёки “Детский мир” деган иборалар қаердан пайдо бўляпти?! Агар йўловчилар бекат номини нотўғри талқин қилса ҳайдовчилар тўғри талаффуз қилиб ибрат бўладиган вақтга етиб келмадикми?! Мана, мисол учун метро бекатлари ранг-баранг. Қолаверса, асл номини ҳам топиб қўйилмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2015 йил 16 июндаги қарори билан шаҳримизнинг айрим метро бекатлари номлари тартибга келтирилди. Ушбу қарорга асосан метронинг “Ҳамза” бекати номи – “Новэза”, “Ҳабиб Абдуллаев” бекати – “Шахристон”, “Чкалов” бекати – “Дўстлик” деб номланди. “Новэза” – жойнинг тарихий номи ҳисобланади. Қадимда бу жойдан ўтадиган Бўзсув канали ирмоғига тўғон қурилиб, баландликдаги бўш ётган ерларда боғ-роғлар яратилиб, экинзор далаларга нов (тўғон) орқали сув

чиқарилган. Шу муносабат билан шу жой ва унинг яқин-атрофидаги ерлар ва маҳалла “Новэза”, яъни нов орқали сув чиқарилиб обод қилинган жой деб аталади. Айни пайтда Чилонзор туманида жойлашган ушбу ҳудудда шу номдаги маҳалла, қўча, бекат, шавдо мажмуаси ва масжид бор. Шундай экан, биз нега автобус бекатларини шундай гўзал номлар бериб безатмаймиз?!

Шунингдек, турли соҳада хорижий сўзларни кенг қўллаш кузатилаётир. Бу эса она тилимиздаги кўп сўзларнинг истеъмолдан чиқиб кетишига сабаб бўлади. Хусусан, банк тизимида “филиал”, “ставка”, “сигмент”, “виза карта”, “акция”, “инвестиция”, “биткоин”, “криптовалюта”, “актив”, “риск”, “кредит”, “микрокредит”, “дисконт”, “ликвидлилик”, “пластик карта” каби халқаро сўзлар кириб келди. Лекин уларни қандай бўлса, шундай қабул қилиб олдик. Бирор мутахассис чиқиб, лом-мим дегани йўқ. Гўё шундай бўлиши керакдек.

Зеро, тил – миллат кўзгусидир. Унда халқимизнинг асрлар силсиласидан, мустабидлик тўфонларидан сабр-матонат билан босиб ўтган ҳаёт йўли, маданияти, тарихи, савияси, ақл-заковати акс этади.

Қадимги аждодларимиз зардуштийларнинг китоби “Авесто”да тўртта унсур – сув, тупроқ, олов ва ҳаво муқаддас саналган. Мен булар сирасига бешинчи қилиб тилни ҳам киритган бўлардим. Тилимизни ҳам инсон учун муҳим омил, азиз ва қадрли унсурлар қатори муқаддас билиб, покиза ва озода сақлаш, луғатимиз кўрки бўлган “Ватан”, “Она”, “Китоб”, “Мустақиллик” каби сўзлар моҳиятини чуқур англаш, миллий қадриятларимиз ҳамда тил бойлигимизни бор бутунлигича келажак авлодларга етказиб бериш барчамизнинг бурчимиздир.


Бахтиёржон ОМОНОВ,
Қўқон Давлат педагогика
институтини, чет тиллар
факультетини,
Факультетлараро чет тиллар
кафедраси ўқитувчиси

Алишер НАВОЙИЙ ТУРКИЙ ТИЛ НАЗДИДА

Чунки топтим ул калом ичра камол,
Турк алфози била сурдум мақол...
Турк назмида чу мен тортиб қалам,
Айладим ул мамлакатни якқалам...

Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят;
Ким шуҳрати жаҳонга тўлғай,
Турки била дағи баҳра олғай.
Чунки бу кун жаҳонда атроқ
Кўптур хуш табъ, соф идрок...

ОНА ТИЛИМ



Минг йилларким булбул каломи
Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.
Аммо шўрлик тўтининг ҳоли
Ўзгаларга тақлид ҳамиша.
Она тилим, сен борсан, шаксиз,
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан!

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

“ЭСКИ ЎЗБЕК ТИЛИ”ГА ЁЗУВ

Менинг тиг тилган тилим,
Менинг кесилган тилим,
Баҳайбат тўғон тушиб,
Йўли тўсилган тилим.
Қушнинг унут патидай
Тўкилган унут жоним,
Китобларнинг қатида
Ранги-рўйи сомоним.
“Эски ўзбек тили”мас,
Дедилар эскирган тил,
Қўриб чиқармоққа сас,
Сандиқларга кирган тил.
Сенда бодом иси бор,
Сенда бобом иси бор,
Болам на рус, на ўзбек,
Аросат белгиси бор.
Беш юз йиллар аввалги
Хатни мен англайман, бас,
Мен бугун айтганимни
Болам баъзан тушунмас.
Кўкрагимда дод қотган,
Яқинлашар катта хавф,
Ўз тилини йўқотган
Халқ бўлмасми ердан даф.
Олдга, сафарбарликка
Қандай ярайди болам,
Ортидаги жарликка
Қандай қарайди болам.
Уни ким қилиб қўйдим,
Ким бўлди оғам-иним,
Томир-томирим куйди,
Синди бўгин-бўгиним.
Гули унут халқ бўлди,
Йўли унут халқ бўлди,
Оммавий гунглик содир,
Тили унут халқ бўлди.
Умримнинг шом, кечига
Шу ўй санчилиб туриб,
“Луғот ут-турк” ичига
Ёшим томчилаб туриб,
Дедим: – Тиг тилган тилим,
Менинг кесилган тилим.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

“TELEGRAM”ГА ЖАРИМА БЕЛГИЛАНДИ

АҚШ қимматли қоғозлари ва биржалари бўйича Кенгаш (Securities and Exchange Commission, SEC) умумий қиймати 1,7 миллиард долларлик Gram токенлари қонунга асосан рўйхатдан ўтказилмаганлиги боис бирламчи жойлаштирилишини тўхтатишга эришди.


Токенлар Telegram Group Inc. ва унинг шахобчаси TON Issuer Inc. га тегишли бўлиб, SEC маълумотида кўра 2018 йил бошида компаниялар ўзларининг махсус блокчейн-майдонини ишлаб чиқишга маблағларини йўналтирган. Ўтган давр мобайнида улар тахминан 2,9 миллиард АҚШ доллари Gramни дунёнинг турли мамлакатларидаги 171 нафар харидорларга сотишга муваффақ бўлишган, жумладан, миллиарддан ортиқ Gramни 39 нафар америкалик харидорлар сотиб олган.

“Фавқуллодда ҳаракатларимиз Telegram компаниясига АҚШ бозорида рақамли токенларни қонуний равишда сотишга ҳалал беришга қаратилган”, – деди SECнинг ҳуқуқни

қўллаш бўлими ҳамраиси Стефани Авакян. Унинг фикрига кўра, жавобгарлар инвесторларга Gram билан боғлиқ бизнес амалиётлар, ҳақиқий ҳолат, таваккалчилик ҳамда бошқарув омиллари ҳақидаги маълумотларни тақдим этмаган. Бу эса қимматли қоғозларга оид қонунчиликнинг энг қатъий талабидир.

Идорада таъкидланганидек, Telegram оммавий жойлаштирувдан даромадга эга бўлмоқчи, бироқ инвесторлар ҳимоясига қаратилган ахборотларни тақдим этиш билан боғлиқ мажбуриятларга риоя қилмаяпти. Қабул қилинган қарорга кўра, нафақат жойлаштириш таъқиқланди, балки Telegramга нисбатан айрим жарима жазо чоралари белгиланди.

ТИЛЛАЛИ “MASTERCARD” КАРТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛДИ



Буюк Британиядаги Қироллик Зарбхонаси “ҳашаматли ҳаёт”ни севувчи мижозларга ҳақиқий тилладан ясалган илк банк тўлов картасини ишлаб чиқарди.

18 каратли тилладан иборат бундай карта соҳиблари исталган банкка 18,75 минг фунт стерлинг (тахми-

нан 23,3 минг АҚШ доллари) тўлаб унга эгаллик қилишлари мумкин бўлади. Шахсий истакка кўра картанинг кўринишини ўзгартириш ниятида бўлганлар ундан кўпроқ тўлов қилишига тўғри келади. Мижознинг исми ва фамилияси карта устида ёзилган бўлади. Унга эга бўлган мижозлар автоматик равишда банкнинг энг муҳим мижози сифатида тан олинади. Бу эса уларга ҳисобварақлар бўйича амалиётлар, шунингдек, валюта айирбошлаш бўйича тўланадиган воситачилик ҳақларини тўламаслик имконини беради. Имтиёзлар мажмуига барча меъёрий бепул хизматлар, жумладан, саёҳат давридаги ёрдамчи хизматидан фойдаланиш ҳам киради.

Жаҳон банки яқинда “2020 йилда жаҳон тараққиётига оид ҳисобот: глобал ишлаб чиқариш-таъминот занжири асрида савдо ривожланиш омили сифатида” мавзусидаги ҳисоботни эълон қилди.

Ҳисоботда дунё иқтисодиётида қашшоқлик билан курашиш бўйича қўлга киритилган ютуқлар аксинча хавфни юзага келтираётгани маълум қилинган. Банк таҳлилчилари глобаллашувни асосан чеклаётган ҳолатлар 2008 йилдаги молиявий инқироз ҳамда истеъмолчилар учун қўлайлик туғдиришни назарда тутган маҳаллий бозордаги автоматлаштириш билан боғлиқлигини тан олмоқда. Уларнинг фикрича, келажда технология тараққиёти туфайли эришилаётган ижобий натижалар глобал даражага кўтарилади, бироқ уларга янгидан юзага келаётган савдо можаролари асосий хавф сифатида намоён бўлади.

Глобал савдо-таъминот занжирининг ривожланиши ЖБда жаҳон иқтисодий ўсиши конвергенциясининг асосий сабаби сифатида баҳоланмоқда. Яъни қашшоқ мамлакатлар “жуда тез суръатларда ўсиб, бой давлатларга етиб бораётгани” дунё бўйича қашшоқлик кўрсаткичини кескин қисқартирди.

ҚАШШОҚЛИККА ҚАРШИ КУРАШ САМАРАСИ НИМАГА БОҒЛИҚ?

Ҳисоботда ХХР, Вьетнам ва Бангладеш сингари давлатлар мисолида аниқ ўзгаришлар қайд этилган. Бироқ 2008 йилдаги молиявий инқироздан сўнг жаҳон савдоси сустанлашди, глобал занжирнинг улуши эса қисқара бошлади (кўрсаткич 2015 йилда 53 фоиздан 47 фоизга тушиб қолди).

Бироқ айни пайтда ушбу жараёнга жалб этилган компанияларнинг улуши ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг деярли барча соҳаларида ортган.

ЖБдагиларнинг фикрига кўра, глобаллашув сустанлашининг асосий сабаби автоматлаштириш ва технология ривожланиши билан боғлиқ. Гарчи ҳисобот муаллифлари қайд этишчи, ушбу глобал занжирдаги бу жараёнларнинг ривожланиши ижобий ҳолатдир: автоматлаштириш сабаби ишлаб чиқаришдаги ривожланиш кузатилиши ва ривожланган мамлакатлар аҳолисининг даромади ортиши арзон ишчи кучига ва нисбатан ривожланмаган қўшни мамлакатларнинг манбасидан фойдаланишга бўлган талабни оширди. Бунинг исботи тариқасида муаллифлар автоматлаштиришнинг ишлаб

чиқариш ўсишига тўғридан-тўғри таъсир қилиши ва ривожланаётган мамлакатларда импорт кўрсаткичи ўсишини кўрсатиб берган. Хусусан, автосаноатда автоматлаштириш импорт маҳсулотларини 10 фоиз, резина ва пластмасса маҳсулотлари импортини 6 фоиз, металлургия ва электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарилишида 4 фоиз ўсишига олиб келган.

Техник жиҳатдан илғор мамлакатлар даромади бўйича қўлайлашган ривожланиш миграция жараёнларини ҳам кучайтириши (айниқса глобаллашган иқтисодиётдаги хизмат кўрсатиш соҳасига ишчиларни жалб қилиш ҳисобига) ҳисоботда қайд этилган. Бироқ мутахассислар номақбул миграция билан солиқ услублари орқали курашишга даъват этмоқда.

Қашшоқликка қарши курашиш ва жаҳонда ижтимоий тенгсизликни бартараф этишга оид чоралар сўнгги вақтларда савдо можаролари оқибатида ўз кучини йўқотмоқда.

“Савдо тизими сўнгги пайтларда издан чиқмоқда”, – дейди ЖБ мутахассислари ЖСТ ҳақида. “ЕИ ва НА-

2020 йилда Дубай шаҳрида Экспо-2020 халқаро кўргазмаси учун алоҳида йирик мажмуа бунёд этилмоқда. У ўз бағрига 12 миллиондан ортиқ кишини сиғдира оладиган улкан иншоот бўлади, деб хабар қилади Евроньюс ахборот сайти. Ҳисоб-китобларга кўра келгусида ушбу халқаро кўргазма 30 миллиард евро даромад келтирилиши кутилмоқда.

25 МЛН. КИШИЛИК ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА



Келажак шаҳарчасида бунёд этиладиган Халқаро кўргазма ярим йилда қуриб битилиши режалаштирилган. Ҳашамдор кўргазмаларга 190 мамлакатдан меҳмонлар қабул қилиниши режалаштирилмоқда. Унда шунингдек, 80 та давлат ўз павильонларини ташкил қилиши учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Ал-Мактум аэропортидан машинада 15 минутлик йўл узоклигидаги қум зонасида District 2020 қурилиш кўргазмаси ташкил этилади.

Жорий йилнинг сентябрь ойи ўрталарида 800 мутахассис 800 тонналик гумбазни кўргазманинг бош марказидаги бинога жойлаштиришди. Мазкур лойиҳанинг архитектори Гордон Гилл айтишича, бу гумбаз 360 градус айланиши шаклда бўлиб, унда жуда камёб шиша материал ишлатилган

ва у нурни ғайритабиий тарзда ўтказди.

Архитектор сўзларига кўра, марказий иншоот сўнгги технологияларга асосланиб, ҳам ички томондан, ҳам ташқи томондан қўринадиган шаклда бетакор тарзда қурилади. Бу гумбазли бино ичида иштирокчилар учун меҳмонхона, ресторан ва бошқа қўлайликлар яратилади.

“Жаҳон кўргазмаси – 2020” қурилишига 6 миллиард евродан ортиқ маблағ ажратилади. Энг янги технологиялар, замонавий инфратузилма ва қўлай транспорт коммуникацияларига эга мазкур кўргазма вице-президенти Сеан Ворстернинг айтишича, кўргазма мажмуасига 25 миллион киши ташриф буюриши мумкин. Бу бир мамлакат аҳолисини, масалан, Австралиянинг барча халқини қабул қила олади дегани.

ФТА сингари ҳудудий ташаббуслар аъзо-мамлакатлар ўртасида юзага келган зиддиятлар сабабли айрим қийинчиликларга дуч келмоқда. АҚШ ва Хитой ўртасидаги савдо можароси инвесторларнинг ишончи сустайишига сабаб бўлди, бу эса ўз ортидан қашшоқликни етаклаб келиши мумкин”. Натижада “қашшоқликдан 30 миллиондан ортиқ инсон азият чекиши мумкин, умумжаҳон даромад 1,4 триллион АҚШ доллари қисқариши мумкин”, дейилади ҳисоботда. Шунингдек, ҳужжатда “анъанавий савдо соҳасидаги мажбурият ва талабларга қатъий риоя қилиш тавсия этилди”.

Бундан ташқари, ЖБ мутахассислари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари савдоси ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги тўсиқларни олиб ташлаш ҳамда саноат маҳсулотлари савдосида нотариф чораларини рад этиш бўйича маслаҳатларини берган. Хусусан, янги турдаги шартномага асос солиш – истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида экспортчи компанияларнинг кучайтириш ҳамда импорт қиладиган давлатларга бозордан ўрин ажратиш билан боғлиқ мажбуриятлар қонуний тартибга солинган ҳужжатни ишлаб чиқишга оид тавсия берилган.

ПУЛНИНГ ЭГАСИ КИМ ВА ПУЛНИНГ ҚАНДАЙ МАҚСАДЛАРИ БОР?

Сир эмаски, кўпчилик қандай йўл билан бўлмасин бойлик орттириш ҳаракатида бўлади. Ва афсуски, буни қинғир йўллар билан бўлса ҳам амалга оширишга ҳаракат қилади.

Пуллик бу мақсадга эришиш воситаси холос, мақсаднинг ўзи эмас. Жуда озчилик камига қаноат қилади, лекин кўпчилик бориға шукр/сабр қилмайди. Ислоом ақидасига кўра бойлик Аллоҳ томонидан берилган тухфа ҳисобланади ва инсонлар Аллоҳнинг ердаги бойликларини тасарруф этувчи вакиллари ҳисобланишади. Бу бойликлар ақл билан ишлатилиши, бекор турмаслиги, исроф ва яқсон қилинмаслиги лозим.

Пул-бойлик Аллоҳникидир

Қуръони Каримда барча нарса, шу жумладан, пул ҳам Аллоҳнинг мулки эканлиги таъкидланади. Аллоҳ таоло одамларнинг қўлидаги бойликларни Ўзининг мулки сифатида таърифлайди. Бундан келиб чиқадки, Аллоҳ хоҳласа бу бойликларни кўпайтиради, хоҳласа йўқ қилади.

Пулга эгалик бу нисбий ва шартли тушунчадир

Ҳар қандай нарсага эгалик қилиш доимо шартли бўлади: Аллоҳ бутун борлиқнинг, барча нарсанинг эгасидир. Инсон, Аллоҳнинг қули ва ердаги вакили сифатида бу бойликларга шартли равишда вақтинчалик эгалик қилади ва уларни ўзи, оиласи ва жамият ол-

дидаги вазифаларини бажариш йўлида адолат билан тасарруф қилишга буюрилган. Шартлилиги шундаки, инсон ўзига берилган мулкни хоҳлаганча пала-партиш ишлатаверишдан қайтарилган, чунки у молни қандай йўл билан топганлиги ва нималарга сарфлаганлиги, борасида сўралади.

Пул инсон учун ҳам неъмат ҳам синов сифатида берилади

Пул ва мол-мулк Аллоҳ томонидан берилган неъмат ва синовдир. Уни ҳалол ёки ботил йўл билан топиш ва сарфлаш инсонлар учун синов воситаларидан биридир. Пул, ҳалол йўл билан топилса ва ақл билан (исроф қилмасдан) сарф қилинса Аллоҳ таолонинг раҳматига айланади дейиш мумкин. Аллоҳ бандаларига ризқ беради ва баъзиларини баъзиларидан (даражаларини) устун қилиб қўяди. У ўзи хоҳлаган бандасига кўпроқ мол-мулк бериб синаса, бошқаларига камроқ ризқ бериб уларнинг сабр-қаноатларини синайди.

Қашоқлик банда учун синов ва шу билан бирга Аллоҳнинг раҳмати бўлиши мумкин. Зотан, баъзи одамлар қўлига катта бойлик келиб қолса ўзларини йўқотиб туғёнга кетиб, такаббурлик қилган ва бошқа кўп гуноҳ, маъсиятларга қўл урган бўлардилар.

Исроф ва ҳасислик

Ислоом Аллоҳ берган мол-дунёни

исроф қилишдан қайтаради. Баъзилар пулни меъёридан ошмасдан, чегарадан чиқмаган ҳолда ўзининг эҳтиёжлари учун сарф қилса, бошқа баъзилар бемалол исрофгарчиликка йўл қўяверади.

Шунингдек, Аллоҳ ҳасислик ва исрофгарчиликни бир-бирига боғлиқ ва камбағаллик/қашшоқликка етакловчи нарсалар сифатида таъкидлайди. Наҳот меъёрда. Яъни ҳар ишда меъёрни билиш бу инсоннинг фазилатларидан бири, бунда у исрофга ҳам йўл қўймайди ва шу билан бирга ҳасислик ҳам қилмайди.

Ҳалол йўл билан пул топиш мажбурияти

Ислоом дини ҳалол йўл билан ризқ ва мол топишга буюради ва бу нарса ислом дининининг асосий бешта устунидан кейин турувчи биринчи талабдир.

Ҳаром йўл билан пул топишнинг тақиқланганлиги

Ҳаром йўл билан пул топиш ва бировнинг молини рози қилмасдан олиш/ейиш мусулмонларнинг бир-бирларини ака-укадек қўришлари лозимлиги ҳақидаги тушунча билан боғлиқ бўлиб унга ҳудди ўз молинигизга қарагандай муносабатда бўлишни тақозо этади. Бунда бошқа бир мусулмон инсоннинг молини ҳимоя қилиш, исроф қилмаслик ва албатта ботил йўл билан емоқликдан сақланиши лозим бўлади. Ботил йўл билан мол то-

пиш, бировнинг ҳаққини ейиш масаласи жамиятдаги жуда катта муаммолардан биридир.

Бу муаммонинг жумладан қуйидаги кўринишлари мавжуд:

1. Алдаш (молни аслидан яхшироқ қилиб кўрсатиш ёки арзон нарсани қиммат мол сифатида тақдим қилишга уриниш);

2. Ёмон нарсани яхшиси билан аралаштириш ва уларни яхшиси нарҳида сотиш;

3. Молнинг нарҳида алдаш (мен бу нарсани фалон пулга олганман, деб ёлғон даъво қилиш ёки арзон молни қиммат дейиш...);

4. Молнинг камчилигини яшириш ва тарозидан уриш;

5. Молнинг келиб чиқиши, сифат ва ишлаб чиқарилган санасини сохталаштириш;

6. Пештахтага молнинг яхшисини қўйиб бошқасини (ёмонроғини) сотиш;

7. Ҳаридорнинг билимсизлиги ёки эътиборсизлигидан фойдаланиб ёмон молни унга ўтказиб юбориш;

8. Сотувчининг молнинг ҳақиқий баҳосини билмаслигидан фойдаланиб уни арзон нарҳга сотишга ундаш;

9. Молни нарх ошишини кутиб, сотмасдан ушлаб туриш ва ҳоказо.

Токи, мол-дунё, бойлик инсон эҳтиёжларини қондиришга, инсон ва жамият равақига хизмат қилар экан, Ислоом дини ҳалол йўл билан бойлик орттиришдан тўсмайди. Лекин пул топиш, бойлик орттириш жараёнида шарият белгиланган чегараларни унутмаслик лозим бўлади.


"Islom moliyasi" телеграм канали

Анчадан бери сизга тинчлик бермаётган, амалга ошиб қолса, жуда муваффақиятли бўлишига ишончингиз комил бўлган бизнес ғоянгиз бор. Аммо уни бошлашингиз учун сизда тажриба ёки, энг асосийси, сармоя етишмайди. Бу муаммони ҳал қилишни ис-тайсизми? Келинг, шу ҳақда сўз юритамиз.

Шахсий жамғарма

Бунинг биринчи йўли, шахсий жамғарма. Сизнинг ёстиқ тагида йиғилиб қолган жамғармангиз, бошланғич бизнес учун сармоя бўлиши мумкин. Албатта, ўз ишингизни бошлашингиз учун энг яхши ва қулай йўл мана шу жамғармаларингизни ишга солишдир. Бизнесингизни бундай бошлашнинг ижобий тарафи бу энг аввало, ҳеч кимнинг олдида моддий жавобгар бўлмаслигингиз ва муҳими, барча фойда ва зарарлар фақатгина сизга тегишли бўлишидир. Шунингдек, ўз сармоянгиз билан бизнес бошлашингизда келажак учун ҳам фойда катта. Айтайлик, ишингиз юришиб, янги ғояларни амалга ошириш учун қўшимча маблағга эҳтиёж туғилди, ишни ўз чўнтагингиздан пул тикиб бошлаганингиз сармоядорлар олдида сизнинг бизнесингизга бўлган жонқурлигингиз исботи бўла олади ва сармоядорларнинг ишончини осонгина қозоншингизга сабаб бўлади. Афсуски, баъзан ҳаёлдаги бизнес лойиҳаларни амалга ошириш учун мавжуд жамғарманинг ўзи етарли бўлмайди.

Бундай вақтларда оила ва яқин дўстларингизнинг моддий-маъна-



БИЗНЕС ҒОЯ БОРУ, ПУЛ ЙЎҚ...

вий ёрдами сизга жуда асқотади. Оила ва яқинлардан олинган қарз одатда қулай шартларда ва уларни тўлашда қийинчиликлар камроқ бўлади. Аммо яқинлар билан олдиберди қилаётганда эҳтиёт бўлиш кераклигини ҳам эслатиб ўтаимиз. Кейинчалик орага совуқчилик тушмаслиги учун қарзингиз ҳамма шартларини қоғозга тушириб, кимдан нима кутилаётганини билган ҳолда ҳаракат қилинса фойдадан холи бўлмайди.

Сармоядорлар

Яқинларингизнинг қўллаб-қувватлаши етарли бўлмаса, кейинги усул сармоядорларга мурожаат қилишдир. Улар, ёки ғарбчасига айтидиган бўлсак "фаришталар", одатда сизнинг ғоянгизга пулини тикиб бизнесингизнинг маълум бир улушини сотиб олади. Бу киши сизнинг танишингиз, эски бошлиғингиз ёки бошқа

танишларингиз орқали топган одам бўлиши мумкин. Одатда сармоядорлар икки хил бўлади; баъзилари пулдан ташқари ўз билими, тажрибаси ва таниш-билишлари билан ҳам ҳиссасини қўша, баъзилари эса унчалик сизнинг ишингизга аралашмайди. Бу усулда бизнесингизни молиялаштиришингизнинг шартлари вазиятдан келиб чиққан ҳолда турлича бўлиши мумкин.

Сровдфундинг (Оммавий фонд)

Интернет технологияларининг ривожланиши натижасида сармоя йиғишининг янги усуллари, шу жумладан, сровдфундинг ҳам пайдо бўлди. Бу усулда сиз ўз ғоянгизни маълум сайтлар орқали оммага билдирасиз ва уни ёқтирган, қўллаб-қувватламоқчи бўлганлар лойиҳангизга пул ажратади. Kickstarter.com ёки indiegogo.com каби сайтларни бунга мисол қилса

бўлади. Тома тома қўл бўлур деганларидек, бу усул билан ҳам анча сармоя йиғиш мумкин. Оддий мисол, Стар Ситизен видео ўйини Kickstarter.com сайти орқали \$500,000 йиғишни мақсад қилиб қўйган ва натижада \$46,018,188 йиғиб Кискстарттерда рекорд даражада сармоя йиққан лойиҳага айланган.

Банк кредитлари

Керакли маблағни яна банклардан олиш имкони ҳам мавжуд. Ўзбекистонда банк тизими такомиллаштирилиб, кичик ва ўрта бизнес учун банк кредити олиш имкониятлари олдингига нисбатан осонлаштириш устида ишлар бормоқда. Банк одатда фоиз эвазига сизга пул беради ва албатта банкнинг ишончини қозониш учун жиддий бизнес режа тайёрлашингиз керак бўлади. Банклар қарз бераётганда сизнинг бизнесингизни юритишингизда ўз шартларини ҳам қўйиши ва бу орқали сизни қайсидир маънода назорат қилиб туриши мумкин.

Давлат грантлари

Агарда сизнинг бизнес ғоянгиз давлат дастурларидан бирига мос келадиган бўлса унда ғоянгизни давлат гранти ва кўмаги орқали молиялаштиришингиз ҳам мумкин. Чунки сўнгги йилларда давлат грантлари учун ажратилган маблағлар олдинги йилга нисбатан ошгани бу борадаги имкониятларнинг ҳам кенгайиб бораётганидан дарак беради.

Юқорида бизнесни молиялаштиришнинг кўплаб усулларида фақатгина баъзиларини санаб ўтдик ва албатта булардан яна бошқа усуллар ҳам мавжуд.

Ситора ОХУНОВА тайёрлади

КУН НАФАСИ

ИЖОДКОРЛАР ҲАМ ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Денгиздай чайқалиб турган оппоқ ва кенг пахтазорни, далаларни кўрганмисиз? Кўриб ажиб ҳисларга кўмилганмисиз? Оппоқ пахтани кўлингизда тутиб, миллатимиз фахрини, бойлигини, деҳқон меҳнатининг нашидасини ҳис этганмисиз? Бугун далаларда пахталар қийғос очилган, чаноқларда ўзбекнинг бахти кулиб турибди гўё. Бу бахт, бу ифтихор, бу муҳаббатга тўла меҳнат қўшиғи ҳар қандай кишининг кўнглига олам-олам завқу шавқ, ҳузур бағишлайди. Чаноқлардаги мўъжиза – “олтин тола” ҳосилини йиғиб-териб олиш эса каттаю кичикнинг қалб амрига айланган ушбу кезларда ижодкорлар ҳам ҳашарчилар билан ҳамкор, ҳамнафас.



Сирдарё вилояти Журналистлар ижодий уюшмаси ва Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими вакиллари пахтакорлар ҳузурига тез-тез ташиф буюришмоқда. Уларнинг “ҳорманг, азизлар” деган жонбахш сўзлари ҳашарчиларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда.

Ховос тумани Янгйер СИУда жойлашган “Саховат” кўп тармоқли фермер хўжалиги даласида ўтказилган “Ёзувчилар пахта далаларида” номли ижодий кеча ҳашарчиларнинг кайфиятини кўтариб юборди.

Сабоҳат ҳожи она билан Тўйчи Яхяев яхши ниятларда фарзандлари ўткиржонга мана шу кенг далаларни ишониб топширганидан мамнун. Ёш тадбиркорнинг меҳнатсеварлигига, ташаббускорлигига ҳамма ҳавас қилади. Президент Шавкат Мирзиёев шу йил вилоятга ташифи пайтида “Саховат” фермер хўжалигида бўлиб яхши ниятлар билдирганди. Мана ўша яхши тилаклар бугун ижобат. “Шухрат” медали соҳиби ўткир Яхяев кўзланган маррани аллақачон уддалаб, режани ортиғи билан бажарди. Ҳосил бугун гектаридан 48 центнерни ташкил этмоқда.

– Пахтакорларнинг, ҳашарчиларнинг унумли меҳнати учун

Акциядорлик тижорат банки
“Қишлоқ қурилиш банк” жамоаси
Марказий идора ходими

Ихтибор МАНСУРОВАнинг
бевақт вафоти муносабати билан
марҳумнинг оила аъзоларига
чуқур таъзия изҳор этади.

ҳамма шароитлар яратилган, – деди ижодий кечада Ховос тумани ҳокими ўринбосари Отабек Донбоев. – Илғор теримчиларнинг пахта пули ҳар куни берилиб, тоза ёғ тарқатилмоқда. Бундан ташқари ҳомийларнинг совға-саломлари ҳам топширилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари, шоира Ҳаётхон Ортиқбоева, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими раҳбари, шоир Бойжигит Абдуллаев ва ёш ижодкорлар ўзларининг шеърларидан намуналар ўқиб беришди. Туман санъаткорларининг дилбар куй-қўшиқлари эса ҳашарчиларнинг кайфиятини кўтарди. 71 ёшли Мунаввар Шодмонкулованинг кунига 130-140 килограммдан пахта тараётгани ҳаммининг олқишига сазовор бўлди. Санобар Алимова, Садоқат Райимова, Фарида Самадова, Раҳима Маматова, Гулноза Ҳазратқулова сингари кўп пахта тарадиган теримчиларга шоирлар ўзларининг китобларидан совға қилишди.

Бугун сирдарёликлар катта ишонч ва мамнуният билан улкан хирмон бунёд этишга астойдил бел боғлашган. Яратилажак хирмон эса халқимиз фаровонлигининг ошишига, тўкин-сочин дастурхонимиз баракасига, бундан-да гўзал турмуш тарзимизга хизмат қилади. Пахтазордан янграётган меҳнат қўшиғи, бахтиёрлик нашидаси кўнглиларга олам-олам сурур ва завқу шавқ бағишлайди.

Норинисо ҚОСИМОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси, Сирдарё вилояти

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР, “БАНК АХБОРОТНОМАСИ” ВА “БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ” ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Сиз газетага обуна бўлишга улгурмаган ёки қисқа муддатга обуна бўлган бўлсангиз, нашримизнинг расмий сайти – www.banknews.uz орқали шартномани тўлдириб, таҳририят манзилига юборишингиз мумкин.

“Ўзбекистон почтаси” ва “Матбуот тарқатувчи” агентлигининг ҳудудий бўлимлари орқали расмийлаштириш ёки фақат таҳририят билан шартнома тузган хусусий ташиқлотлар билан обунани ташкил этиш йил давомида газеталаримизни ўз вақтида олишингизни кафолатлайди.

ХУСУСИЙ ОБУНА АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)

Хоразм вилояти

“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)

Бухоро вилояти

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)

Жиззах вилояти

“МАТБУОТ TONGI” МЧЖ – (91-599-58-98)

Навоий вилояти

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)

Қашқадарё вилояти

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (99-603-03-68)

Наманган вилояти

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (99-603-03-68)

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (90-532-93-39)

Сирдарё вилояти

“СИРДАРЁ МАТБУОТ ХИЗМАТИ” – (97-277-27-72)

Сурхондарё вилояти

“SURXON MATBUOT NASHRLARI” МЧЖ – (91-586-70-00)

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти

“KALEON INFORM” МЧЖ – (71-267-18-94)

“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (71-244-19-63)

“ТОШКЕНТ МАТБУОТ” – (97-156-22-77)

Самарқанд вилояти

“ТОШКЕНТ ЖАҲОН ЗИЁ” – (97-922-02-33)

Фарғона вилояти

“ФАЗО ИНФО” МЧЖ – (90-560-55-95)

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Банк, бизнес ва иқтисодиёт
соҳаларига доир батафсил
маълумотларни фақат
бизнинг газетамиздан ўқиш
мумкинлигини унутманг!

Обуна бўйича
мурожаат учун

Тел.:

(998) 97 776 60 18

71 234 43 18


Факс:

(998) 71-234-43-18.

E-mail:

info@banknews.uz

ОБУНА
ИНДЕКСИ-102



БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

Директор
Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

Бош муҳаррир
Бобур МУХАММАДИЕВ

Бош муҳаррир ўринбосари
Умид ХУДОЙБЕРГАНОВА

Обуна ва реклама учун

Тел: 99897 776 60 18

71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18

Нашр индекси-102.

Ахборот кўмағи
Ўза, “Norma Hamkor” МЧЖ

Таҳририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси,
23-уй e-mail: bankakhborotnomasi@mail.ru,
www.banknews.uz телеграм каналимиз

@bank_akhborotnomasi

Чоп этишга тайёрловчи: “Moliya yangiliklari agentligi”
МЧЖ

Газета таҳририятининг техник ускуналаридан
саҳифаланди.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан “Банк ахборотномаси” да эълон қилинган материалларни қўчириб босишга ижозат берилади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба куни чиқади.

Буюртма № г 1003

Адади 1719 нусха

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табақда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 16.10.2019 й.

123456

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.